



Алоуддин Самаркандий (вафоти м. 1144 йил) замонасининг етук олимларидан эди. Унинг фикх, тафсир, хадис, усул, акоид, калом илмларига оид кўплаб асарлари бор. Лекин улар орасида «Тухфатул фукахо» асари нихоятда машхур бўлган. Олимнинг шогирди Алоуддин Абу Бакр Косоний унга шарх ёзиб, устозига такдим этди. Алоуддин Самаркандий шархдан шунчалик мамнун бўлдики, фикхда ўзига тенглаша оладиган сохибжамол кизи Фотимани шогирдига никохлаб берди. Мазкур шарх махр учун кифоя килди. Шундай килиб, одамлар орасида «Тухфа»сини шарх этиб, кизини олди», деган гап машхур бўлиб кетди.

(Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад Насафий, «Самаркандия», Тошкент, 2001 йил).

* * *

Умавийлар султони Хишом ибн Абдурахмон тахтга чикканида (х.172/м.788 йил) хали ёш, уйланмаган эди. Турмуш қуриш истаги тугилиб, ўзига муносиб келинликка номзодларга Қуръони каримни ёд олганликни шарт қилиб қўйди. Шунда биргина Галин деган жойдан етти юз йигирма нафар Қуръон хофизи бўлган киз чикди. Кейин султон иккинчи шарт қўйишга мажбур бўлди: бўлажак завжаси Имом Моликнинг «Муватто» хадис китобини ҳам ёд билиши керак эди. Шунда ҳам келинликка номзодлар камаймади: Куртубанинг ўзидан беш юз нафар киз ҳам Қуръонни, ҳам «Муватто»ни ёд билиши аникланди.

(«Мусулмонларнинг таквим китоби», 2000 йил, 2-чорак)

Ўзукка кўз мос тушганидай келинлар ҳам куёвларга муносиб бўлган экан.